

Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилояти
МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ
«ZAMIN OIL-AUDIT» АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

Юридик манзили: 180100 Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Шибаева кучаси, 1-уй 15-хонадон, тел. (93) 935 07 65,(91) 462 41 58.
Аудиторлик фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 05.04.2019 йилдаги № 00774 рақамли лицензияга эга.
Х/р20208000904162711001 ЎзСҚБ Қашқадарё минтақавий филиали МФО 00854 ОКЭД 69202

Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Буюртмачи: "Шахрисабз пахта тозалаш" АЖ Х/р 20210000500385751001 АТБ "Агробанк" Шахрисабз филиали МФО 00166 СТИР:200706483 ОКЭД 13101 Қашқадарё вилоят Шахрисабз шаҳри Ипак йули кўчаси, 110-уй тел. (+99897)381-45-43

Мен, МЧЖ «ZAMIN OIL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри Шибаева кучаси 1-уй 15-хонадонда жойлашган, СТИР 203869896, ОКЕД коди 69202, ҳисоб рақами 20208000904162711001 «Ўзсаноатқурилишбанк» Қашқадарё минтақавий филиали Қарши шаҳри МФО 00854) аудитори Хужакулов Азамат Уралович (аудитор малака сертификати № 05590 берилган санаси 07.02.2019й.) хўжалик юритувчи субъект "Шахрисабз пахта тозалаш" АЖнинг «Бухгалтерия баланси» (1-шакл), "Молиявий натижалар тўғрисида"ги ҳисобот (2-шакл), "Пул оқимлари тўғрисида" ги ҳисобот (4-шакл), "Хусусий капитал тўғрисида"ги ҳисобот (5-шакл)дан иборат 2019 йил 31-декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботларнинг ишончилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз "Шахрисабз пахта тозалаш" АЖ нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамаизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект "Шахрисабз пахта тозалаш" АЖ нинг 2019 йил 31-декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти директори:

аудитор:

19-апрел, 2020 йил



Х. Н. Зулфиков

А. У. Хужакулов